

Ўзбекистон Давлат Консерваторияси

“Анъанавий чолғу ижрочилиги” кафедраси

Ижрочилик санъати тарихи фанидан

Курс иши.

**Мавзу: Ўзбек миллий созандалик
санъати**

Бажарди: “Анъанавий чолғу ижрочилиги”

таълим йўналиши 3-курс талабаси Абдурахимов Одилхон

Қабул қилди: Матёқубов М.

Тошкент 2016

Режа.

Кириш

1. Таниқли ўзбек созандалари.

2. Ғижжак сози ҳақида.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Кириш

Инсоният ҳаётининг мазмуни унинг ижодиёт махсули билан ўлчанади. Қайси халқнинг ўтмиши узоқ, маънавияти бой, мероси чексиз бўлса, албатта бу халқнинг истиқболи буюк, келажак авлоди эса баркамолдир. Ижод ҳаётни гўзаллаштирувчи, олам сиру-асрорларини очувчи, инсоният тафаккурини англатувчи неъматдир. У жуда кўп кенг тармоқларга бўлинади. Лекин уларнинг ҳаммаси бир мезонга, яъни табиат ва унга бўлган муносабатга асосланади. Унинг заминида эса ишқ, нафоса, ишонч ҳамда тафаккур ўзига хос эркинликка эришиб, жонли жараёнда ўз мўжизасини кашф этади. Мусиқа ҳам мўжизакор санъат тури бўлиб, ижодиётнинг эстетик жихатдан бой имкониятларга эга бўлган соҳаларидан бири, десак муболаға бўлмас.

Инсоннинг гўзаллик туйғусини тараққий эттирмай туриб, маънавий баркамол инсон ҳақида гапириб бўлмайди. Инсон ўз атрофидаги гўзалликни бадий ижод орқали хис қила олиши билан инсондир.

Мусиқа юнонча *mousihe*-музалар санъати деган сўздан олинган бўлиб, инсон ҳиссий кечинмаларини товуш (тон, нағма)лар воситасида акс эттирувчи санъат туридир. Мусиқа мўжизакор санъат тури бўлиб, ижодиётнинг эстетик жихатдан бой имкониятларга эга соҳаларидан бири. Унинг мазмуни ўзгарувчан руҳий ҳолатларни ифодаловчи мусиқий-бадий образлардан иборат. Мусиқа инсоннинг турли кайфиятларини ўзида мужассамлаштиради. Мусиқа инсон онги ва ҳиссиётига таъсир кўрсатади. У инсоннинг ахлоқий ва эстетик дидини шакллантириш, ҳиссий туйғуларини ривожлантириш, ижодий қобилиятини рағбатлантиришда катта аҳамиятга эга.

1. Таниқли ўзбек созандалари.

Ватанимиз истиқлолга эришган даврдан бошлаб, миллий санъатимизнинг барча турларида бўлганидек, созандалик санъатининг ўзига хосликларини сақлаб қолиш, ривожлантириш, янгича тус бериш борасида устоз созандалар қаторида ёш иқтидорли ижрочилар томонидан ҳам маълум изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбек миллий созандалик санъатида шаклланган яқка, икки ёки ундан ортиқ чолғу созлар иштирокидаги ижро услублари, уларнинг турли миллий ва умуммиллий кўринишлари такомиллашиб, янги ижрочилик услубига эга бўлган турли оқимларнинг вужудга келиши кузатилмоқда.

Айни пайтда "Мақом ансамбли", унингдек "Ўзбек чолғулари" ёки "Ўзбек халқ чолғулари"¹³ (Мазкур номланишлардаги ансамблларнинг чолғулари сонлари, гурлари қарийб бир хил бўлиб, мақом ансамбллари) "карнай-сурнай", "дудорчилар", "доирачилар" ва ижро дастурида чолғу куйлари мавжуд бўлган "халфалар" ансамбллари мустақиллик даврида шаклланган байрамлар, фестиваллар, кўрик-танловлар мазмунини тўлдириш билан биргаликда, анъанавий чолғу мусиқаси жанри қонун-қоидалари асосида яратилган асарлар ҳисобига ўз репертуарларини бойитиб бормоқдалар.

Зеро, мустақиллик даврида миллий мусиқага бўлган эътибор, хусусан чолғу жанри-нинг маҳаллий кўринишлари, куйларнинг шакл, фактура ҳамда оҳанг жиҳатлари, соз ижрочилигининг маҳаллий ва бадиий мезонлари ва ниҳоят, унинг аутентик кўринишдаги ижросига имкон яратмоқда. Айниқса, Хоразм маҳаллий мусиқа санъати хусусиятларини белгилаб берувчи қўл сози (гармон) ва буламон, Сурхондарё, Қашқадарё (қисман Самарқанд) ҳудудларидаги турли Ўзбек уруғларининг асо-сий мусиқа воситаси ҳисобланган дўмбира созларининг най, қўшна, сурнай, карнай, чанг, қонун, қашғар ва афғон рубоблари, дудор, танбур, сато, уд, ғижжак, доира,

ноғораларнинг умум ўзбек чолғу созлари сифатида ўз вазифа ва қиёфаларини сақлаб қолшн ўзбек миллий созандалик санъатининг тўғри йўлда эканлигидан далолат беради. (Чўпон най, сибизик, сафоил, қайроқ, занг чолғулари илгаридан уларга нисбатан кам қўлланилади.) Бу жараёнга мусикий товуш воситаси бунёдкорлари — соз-гарлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшиб келмокда-лар. Пировардида, ўтган аср 80-йиллар охири 90-йиллар бошларида ўзбек созгарлари Абдунаби Абдуғафуров ва Абдумалик Абдураимовлар томонидан ўрта асрлар китобий миниатюраларида акс эттирилган чолғулар асосида дастлаб "ғижжаки Бобурий" номли камонли соз яратилди. Сўнгра Абдумалик Аб-дурахимов янги товуш тусларига эга бўлган конструктив жиҳатдан мукамал, тоза садоланувчи "Дилрабо", "Қўшнаво", "Қўштор", "Мерос" номларида қатор созлар яратди. Мазкур созлар миллий созандалар томонидан ижобий баҳо олди ва андижонлик моҳир созанда, Ўзбекистон халқ артисти Гуломжон Ҳожиқулов назоратида мусиқа шинавандалари синовидан ўтказилди. Ғижжаки Бобурий якка соз ижрочилигида ҳам қўлланиб келмокда.

Мустақиллик даврида ўзбек гуруҳли чолғу ижрочилиги санъатида бадиҳа (импровизация) услубидаги йўналиш пайдо бўлди. Мазкур оқим миллий мусиқамиз табиатидан яхши боҳабар, назарий ва амалий мушоҳадади, иж-ровий имкониятлари юқори даражадаги созандалар — Ўзбекистон халқ артисти Абду-ҳошим Исмоилов (ғижжак), Ўзбекистонда хиз-мат кўрсатган артистлар Абдулахад Абдура-шидов (най), Абдурахмон Холтожиев (конун) ҳамда Умарали Бултуров (уд), Қўчқор Саидов (доира) ҳамкорликлари натижасида ву-жудга келди. Гуруҳ ижросидаги асарларнинг шаклий қурилмаси, интонацион хусусиятлари, товуш безаклари, усуллар мажмуи ўзбек мусикий ижрочилик анъаналарига хос ва мос тарзда, товушқатори температураланмаган созлар иштирокида яратилди.

Ижро жараёнида созандалар томонидан соф чолғу асарларидан тортиб айтим йўлларига қилинадиган жўрнавозлик асносида тўсатдан, эркин,

(экспромт) тарзда ишлатиладиган турли "қочиримлар" мазкур гуруҳ амалиётида одат тусига кириб борди. Айнан ушбу ҳодиса ғижжак, най, конун чолғуларининг техник имкониятларини тўла очиб берилиши натижасида бадиҳа услубининг шаклланишига асос бўлди. Ижродан ижрога қочиримлар билан биргаликда кичик мусиқий лавҳалардан фойдаланила бошланди.

А.Исмоилов томонидан бадиҳа учун махсус куй бўлаги тўқилиб, композиция билан боғлиқ барча унсурлар "уй шароитида", ғижжак, уд, конун чолғулари имкониятлари ҳисоб-га олинган ҳолда, яхлит асарнинг шакл-қолипи тайёрланадиган бўлинди. Қисқаси, ижро қилинадиган асарнинг оҳанг тўқимаси, ком-позиция андазаси муайян машқлар давомида меъёрига етказилиши одат тусига кирди. Ушбу гуруҳ ижро услубига хос бўлган маҳорат, ижро пайтида келадиган илҳом, оҳанг таро-вати ва товуш безакларини жозибадор ижро қилишга имкон яратди. Оддий "пайванд"дек тукиган мусиқий лавҳаларни тизимлаштириш, созандалар ораси-даги ўзаро мутаносибликни таъминлаш натижасида оҳанг яхлитлигига эришилди ва ҳар бир асар ўзига хос бадиий ечимда ниҳояла-надиган бўлди. Бунда асар суръати, унинг барқарорлиги ғижжакнинг зиммасида бўлиб, доирачи томонидан ҳосил қилинадиган остинант ритмик шакл қўшимча ҳамусул сифатида садоланади. Якка чолғу томонидан амалга ошириладиган бадиҳа пайтида оҳанг тизимида иштирок этмайдиган чолғулар кварта, квинта, октава интервалларида садоланган ҳолда усул бериб турадилар. Одатда барча куйлар ижроси ўртача суръатда бошланади. Бадиҳа асосан асарнинг авж нуқталарида, товуш кучи кучайтирилиб, суръати тезлаштирилиши ҳисобига амалга оширилади. Жараён сусайтирилмасдан, ўта тез суръатда дастлаб, ғижжакчи ижросида бошлаб бериладиган бадиҳани найчи ва конунчи "илиб кетади". Куйнинг тўлақонли ифодаси мусиқа ижрочилигида маълум бўлган унсурлардан ташқари чолғуларнинг тембр, акустик хусусиятлари ва ғижжакчи томонидан берилладиган "жўшқинтуртки" эвазига бойитилади. Юксак техник даражада ҳосил қилинадиган оҳанг тизими ва

безаклар мантикий изчилликка эришган ҳолда сайқаллашади ҳамда гуруҳнинг муваффақиятли чиқишларини таъминлайди.

Ижрочилар заҳирасидаги куй бўлаклари, усуллар мажмуи, товуш безакларининг илга-ридан мавжудлиги, бир томондан оҳанг шак-ли, иккинчи томондан чолғучилар якдиллиги натижасида эришиладиган ижро тарзига ижо-бий таъсир кўрсатади. Натижада гуруҳ томонидан акс эттириладиган миллий муסיкий-эстетик меъёр бадиҳа жараёнини томоша даражасига кўтарилишида муҳим омил вазифасини ўтайди. Гуруҳ фаолиятида мустақиллик мавзусига бағишланган асарлар алоҳида ўрин олган. А.Исмоиловнинг "Тўёна", "Дил байра-ми", "Буюк чинор", "Аҳмад Фарғоний" ва яна қатор асарлари шулар жумласидандир.

Ўзининг ижро услуби мазкур гуруҳга ўхшаш яна бир жамоанинг ижодий йўли алоҳида эътиборга лойиқ. Гуруҳ асосини карнай, сурнай, кўшнай, доира ва турли урма созлар ташкил қилади. Уларнинг меъёрий сони 4 карнай, 1 сурнай, 1 кўшнай (кўшнай кам ишлатилади) икки ёки ундан ортиқ доиралардан иборат. Бу гуруҳ ҳам концертолди тайёргарликларини "уй шароитида" амалга оширади. Мавзу гуруҳ раҳбари Аббос Қосимов томонидан оғзаки тарзда, "ритмик формула" шаклида "тўқилади" ва чолғуларга бўлиб чиқиладиган. Бўлиниш пайтида чолғулар ҳамда созанда-ларнинг шахсий ижро имкониятлари ҳисобга олинади ва гуруҳ ижросидаги мураккаб ритмик тизим карнай ва доира чолғулари ор-қали бажарилади. Ижро учун гардишлари нис-батан кичик, Қаттиқ қиздирилган доиралар, "каба" қисми "миёнча" қисмига тескари кий-дирилган карнайлар ва "соло" вазифасини ўтовчи сурнай, усул меъёрини сақлаб турувчи ноғоралар танланади.

Карнайлар томонидан ишлатиладиган "гирбон" ва "сапил" усуллари доираларнинг "бак" ва "рез" усуллари-га "та-а-а-а", "бум" усулига "ту-у-у-у" оҳангидаги товушлар билан жўр бўлиш ансамбл томонидан кўплаб қўлланилади. Бадиҳанинг авж нуктаси кар-найлар ва доираларнинг қарийб

бир хил баландликда садоланиши, доираларнинг кучсиз ҳиссаларда, мураккаб зарблар ёрдамида ишлатадиган қочиримлари, карнайларнинг "дахана" бўлакларида ҳосил қилинадиган товушлар билан ифодаланади. Гуруҳ репертуари асосан Мустақиллик ва Наврўзга бағишланган "Байрам таронаси", "Истиклол таронаси", "Баҳор", "Қўшчинор", "Зарбга-зарб" каби асарлардан иборат. Ҳар иккала гуруҳни эркак ижрочилар ташкил этади.

Ўзбек чолғу ижрочилигида асрлар мобайнида аёл созандаalar ижро қилган куйлар ҳам ўзларининг бадиий жиҳатлари, жанр доираси, услуб ва усулларининг ўзига хосликлари билан шу кунларгача ўз давомийликларини сақлаб келганлар. Мазкур асарлар халқ мусиқий мулкнинг мазмуни, кўлами ва ривожига ўз ўрнига эга. Пировардида дутор ва қўл сози чолғулари негизида ташкил топган гуруҳлар ўзларининг сифати билан ажралиб турадилар. Соф дуторлар ёхуд дуторлар ва турли миллий чолғулар аралашмасидан иборат гуруҳлар асосан, Фарғона — Тошкент маҳаллий услуби доирасида шаклланган бўлса-лар, қўл сози чолғучи ижрочилиги фақат Хоразм маҳаллий услубига мансуб.

Бугунги кунда Хоразм вилоятида Х.Болтаев номли мусиқа ва А.Отажонов номли санъат мактабларида халфалар синфлари мавжуд. Мактабларда таълим олаётган ўқувчиларга Хоразм халфа йўлларида ташқари дostonлардан парчалар, халқ куйлари ва лапарларининг чолғу версиялари ҳам ўргатилиб келинади. Ижродаги миллийлик, юқори техник баркамоллик натижасида 1992 йилда А.Отажонов номли мактаб ўқувчилари Украинанинг Хмельницкий шаҳрида бўлиб ўтган Халқаро болалар фольклор фестивалида 1 ўрин совриндори бўлишган.

Дутор ансамбллари эса касбий ҳамда ҳаваскор ижрочилар даражасида фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Улардан касбий ижрочилик даражасида фаолият кўрсатиб келаётган ягона жамоа — Ўзтелерадио компанияси қошидаги "Дуторчилар" ансамбли ҳисобланади. Жамоа халқ куйларини (қўшиқлари) ўрганиш, ўзлаштириш билан биргаликда маҳаллий

бастакорлик асарларидан ҳам фойдаланадилар. Улар репертуарларидан КХРажабийнинг "Раъноланмасун", З.Рахматуллаеванинг Ғ.Тошматов хотирасига бағишланган "Хотира", "Наврӯз тонги", халқ куйларидан: "Назми ҳол", "Алла", Р.Хожиева ижросидаги "Усмония", Д.Азимова ижросидаги "Қўштор", М.Зуфарова ижросидаги "Ажам тароналари" каби куйлар ўрин олган. Кейинги пайтларда бошқа чолғу гуруҳлари қаторида фақат қатор чолғуларидан иборат гуруҳлар махсус ўқув муассасаларида ҳам мавжуд. М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси муаллимаси М.Зиёева раҳбарлигидаги талаба қизлар ансамбли шулар жумласидандир. Ансамбл гуруҳли дутор ижрочилиги учун мураккаб бўлган — билак ва бармоқлар ҳаракатларидаги синхрон ҳолат, товушлар софлиги ва товуш безакларининг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Мустақиллик йилларида ўқув тизимида ҳам миллийлик сари бурилиш ўз ифодасини топмоқда. М.Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида фаолият кўрсатаётган махсус ўқув муассасаларида миллий созандалик бўйича олиб борилаётган сабоқ тизимини талаб даражасида таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Истикболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази томонидан қатор дарсликлар, қўлланмалар ва дастурлар чоп қилинди. Уларнинг орасида Р.Қосимовнинг "Рубоб наволари", "Рубоб дарслиги", "Анъанавий рубоб ижрочилиги"; Ж.Расултоевнинг "Ўзбек дутор ижрочилиги"; М.Тошмуҳамедовнинг "Ғижжакда анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш", "Ғижжак дарслиги"; С.Азизбоевнинг "Ғижжак наволари", А.Собировнинг "Най наволари"; М.Абдукаримовнинг "Танбур наволари", А.Ҳамидовнинг (тўпловчи) "Анъанавий ижрочилик бўйича хрестоматия"си алоҳида ўрин тутади.

Шунингдек, ўзбек миллий чолғу ижрочилигига бўлган қизиқиш ва эътиборни кучайтириш ҳамда иқтидорли ёш ижрочиларни аниқлаш

мақсадида 1995 — 1999 йилда республика миқёсида Ю.Ражабий номидаги мақом ижрочилари танлови ўтказилди. 1995 йилдаги танловда Н.Лутфуллаев (қашқар рубоби), Р.Ҳайдарова (чанг), С.Жўраева (датор), М.Ашрафий номи Тошкент Давлат консерваторияси Ф.Содиқов номидаги созандалар ансамбли, Марғилон шаҳар "Навбахор" ансамбли 1 даражали диплом ва лауреат; Т.Қўзиев (танбур), М.Маматқулов (танбур), И.Хусанова (датор), М.Ашрафий номидаги Бухоро билим юрти ансамбли, Тожикистоннинг "Дурдона" ансамбли 2 даражали диплом; С.Азизбоев (ғижжак), А.Асқаров (доира), С.Рашидов (ғижжак), М.Каримов (датор), Э.Худойбердиев (ғижжак), С.Усмонов (чанг, қонун), Фарғона билим юрти талабалари ансамбли, Х.Ниёзий номидаги Тошкент мусиқа билим юрти талабалари ансамбли, М.Ашрафий номидаги Тошкент Давлат консерваторияси талабалари ансамбллари 3 даражали диплом билан тақдирландилар. 1999 йилда ўтказилган танловда: М.Азимов (Счанг), К.Мўминов (қўшнай), З.Юсупова (чанг), биринчи ўрин; С.Усмонов (чанг, қонун), О.Халилов (уд), С.Рашидов (ғижжак), А.Раҳимов (рубоб), Х.Орипов (най), Ш.Матёкубов (қўшнай) иккинчи ўрин; Н.Собиров (танбур), Р.Тўғайқулов (доира), Д.Жўраев (ғижжак), О.Расулов (танбур) учинчи ўрин соҳиблари бўлдилар.

Шу мақсадда "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси томонидан ҳам мунтазам равишда қолғу ижрочилари танловларини уюштириш йўлга қўйилди ва ҳозирги кунга қадар икки мартаба ўтказилди.

Аммо, мазкур ижобий ўзгаришлар қаторида, афсуски, касбий даражалари етарли бўлмаган ансамбллар ва яқкаҳон ижрочилар-нинг ноанъанавий муҳит доираси шаклланиши ҳамон давом этмокда. Юқсак бадиийлик, устозона ижрочилик санъати ва созлар хилларини нисбатан сақлаб келаётган "Мақом ан-самбллари" бу нуқсонлардан холи бўлсаларда айрим бошқа турдаги ансамбллар ва яқ-кахон созандалар ижросининг бадиий-эстетик жиҳатлари миллий созандалик қанонларидан узоқлашган.

Қолаверса, Республикада фаолият кўрсатиб келаётган барча муסיқа ўқув муассасаларида ўтган асрнинг 30-йиллари иккинчи ярми, 40-йиллар бошларида овропача кўпо-возли муסיқани тарғиб қилиш мақсадида қайта ишланган, яратилган чолғулар "Ўзбек халқ чолғулари" номланишида ўргатилиб, ижролари тарғиб қилиб келинмокда.

Товуш туслари, фактураси, ижро услублари ва репертуарлари миллий ижрочилик анъаналаридан фарқ қилган ушбу йўналиш фао-лиятида миллийлик сари бурилиш ("Суғдиёна", Ўзтелерадиокомпания, Ўзбекракс миллий ракс бирлашмаси қошидаги жамоаларни ҳисобга олмаганда) суств кечмокда.

Республикамизда Турғун Алиматов, Гуломжон Ҳожикулов каби забардаст санъаткорлар қаторида Бахтиёр Алиев, Темур Маҳмудов, Ўлмас Расулов, Шавкат Мирзаев, Тоҳир Ражабий, Рифатилла Қосимов, Абдурахим Ҳамидов, Раҳматулла Самадов, Аҳмад-жон Собиров, Ўткир Қодиров, Матрасул Мат-ёқубов, Шухрат Раззоқов каби қатор иқтидирли созандалар мавжудлигига қарамасдан, Ўзбекистон телевидениесида, турли концертларда енгил-елпи, шакли, ижроси ноаниқ, тез суръатли муסיқий асарлар ҳисобига якка соз ижрочилиги чеклаб кўйилган. Ансамбллар ижросидаги соф чолғу куйлар эпизодик тарзда экранга чиқарилади ёки концерт дастур таркибига киритилади, холос ўқув муассасаларида касбий муסיқа ижодиётида қўлланиб келинган устоз-шогирд анъаналари, унинг тарбиявий хусусиятларидан тўкис фойдаланилаётгани йўқ.

Бинобарин, муסיқа ёрдамида маънавий баркамол инсонни шакллантириш ғояси эндиликда мустамлака даврининг сунъий тарздаги тўсиқлари, йўналишлари ва сохта бунёдкорликка асосланган мураккаб тамойилларидан бутунлай воз кечишни тақозо этади. Айтиш жоизки, Мустақиллик даври созандалик санъати оддий муסיқий жараён бўлиб қолмасдан, миллий ижрочилик ғояси асосида шаклланди ва миллий-маданий юксалишини таъминлашда муҳим омил сифатида фаолият

кўрсатиб келмоқда. Зеро, санъатнинг бу тури мустақиллик ғояси кесимида шаклан ва мазмунан бойиган ўзбек миллий созандалигининг барча кўринишларини ўзида уйғунлаштирган бадиий фаолият натижасининг ижобий намунаси.

2. Ёижжак сочи ҳақида



Ёижжак — торли камонли музика асбоби. Ўзбек, тожик, туркман, уйғурларда ва камон, кеманча номи билан Кавказорти мамлакатларида кенг тарқалган. Ўзбек чолғу асбоблари оркестрида ёижжакчилар гуруҳи худди симфоник оркестрдаги камонли созлар гуруҳи (скрипка, алт, виолончел, контрабас) каби етакчилик қилади.

Тарихи

Ўрта аср мусиқа рисолаларида баён этилган ривоятларга кўра ғижжакни (*гипчак* номи билан) Форобий яратган, Ибн Сино дастлабки 2 торини квартага сохтаган, Қулмуҳаммад Удий эса Ғижжакка 3-торни қўшган. Унгача 2 симли ғижжада ипакдан эшилган ёки симли акс-садо берувчи торлар сони 8-11 тагача бўлган.

Алишер Навоийнинг „Мажолис ун-нафоис“ асарида айтилишича, ғижжакни чала билиш барча сарой созандалари учун шарт бўлган. Ўрта асрда Алижон Ғижжакий, Хўжа Ўзбек Ғижжакий каби санъаткорлар машҳур бўлган.

Ғижжакнинг косахонаси устидаги тери совук, нам шароитида чўкиб кетиши, ингичка симларининг овози ноқислиги туфайли Ўзбекистон (айниқса Андижон)да 19-аср охиридан ғижжак ўрнига анъанавий ансамбллар таркибида скрипка ишлатила бошлади. Аммо кейинчалик асбоб мукаммалаштирилди ва ундан яна кенг қўлланила бошланди. 1940-йилларда ғижжакнинг ўзбек халқ чолғулари оркестрида ишлатиладиган алт, бас ва контрабас турлари яратилган. Мазкур оркестрлар таркибида Ғижжакчилар гуруҳи худди симфоник оркестрдаги камонли созлар гуруҳи (скрипка, алт, виолончел, контрабас) каби етакчилик қилади. Ҳозир халқ чолғу оркестрида Ғижжак-бас ўрнига қўбиз-бас (ёки виолончел), Ғижжак-контрабас ўрнигаб контрабаснинг ўзи ишлатилади.

Ғижжакнинг инсон овозига яқин, нозик ва дардли товуши, қочиримларга бой, хонақой ижро услуби туфайли миллий мумтоз мусиқа ансамблларида асосий ўрин тутади.

Тузилиши Ғижжакнинг юмалоқ чўмичсимон косаси олдин қовоқ, кокос ёнғоғидан, ҳозирда ёғоч (тут, ёнғоқ) ғўлачасидан ўйиб ясалади ва косаси оғзига тери ёки пуфак тортилади. Пардасиз дастасининг бир учига қулоқлар ўрнатилади, бир учи эса косахона устига жойлашади. Даста билан косахонанинг умумий узунлиги 550-900 мм атрофида.

Ҳозирда ғижжакнинг торлар сони 3-4 бўлиб, кварта-квинтага созланади. Улар дастанинг юқори қисмида жойлашган шайтон харак ва косахона устидаги харакка ётқизилади. Умумий диапазони 4 октавадан ортиқ.

Чалиш услублари Ўзбекистонда ғижжак ижрочиличигининг ўзига хос услублари, асосан, Андижон, Бухоро ва Хоразм анъанавий мактаблари орқали намоён бўлган. Фарғона водийси хофизлик санъати ҳамда сурнай ижрочилик анъаналари таъсирида шаклланган *Андижон мактаби* (Т. Жалилов, Ғ. Ҳожикулов, Э. Рўзибоев, Ю. Юсупов ва бошқалар) майда урғу (аксент)лар, куй тузилмаларини узмасдан чалиш йўллари, сурнайга хос кочиришлар сингдирилганлиги билан ажралиб туради. Комилжон Жабборов, Ғанижон Тошматов, М. Ниёзов, М. Муҳаммедов ижросида „Сурнай Ироғи“, „Ўйин Муножоти“, „Дугоҳи Ҳусайний“ ҳамда „Кезарман“ (Ғ. Тошматов), „Гул мавсуми“ (М. Тошматов) каби ғижжак куйлари машҳур.

Маҳаллий мусиқа анъаналари (айниқса, Шашмақом йўллари) негизида қарор топган *Бухоро мактаби*га ғижжакнинг худди титраётган камонни юрғизиш садоланиши, ҳар бир пардани ўзида тўлқинлатиб (тебраниш) тезлашиши хос. Бухоро ғижжакчилиги мактаби намояндаларидан Ҳайдарқул Қоровулбеги (Бухоро амирлари саройларида хизмат қилган), 20-асрда Аминжон Исмаилов, Само Воҳидов, Ҳикмат Неъматов, Ўлмас Расуловлар ижросида „Сурнай Ироғи“, „Баҳри тавил“, „Камон уфари“, „Зулайхо“, „Ноз“ (Ў. Расулов) каби намуналари оммалашган.

Хоразм мактаби ижро услуби шиддат, камонни ург'у билан тортиш, айти пайтда юмшоқ тўлқинлатиш билан ажралиб туради. Мазкур мактаб вакилларида Патак-ғижжакчи (машҳур Суяв-бахши дастасида фаолият кўрсатган, 19-аср), Абдулла Миҳана, Матёқуб Харратов, Олланазар Ҳасанов, Ҳасанбой Атаевлар талқинида Хоразм мақомлашнинг чолғу йўллари, сурнай йўллари, шунингдек, „Алиқамбар“, „Қалабанди“, „Харротий“ (М. Харратов), „Геч полвон“ сингари куйлар машҳур.

Ишлатилиши Ғижжак якканавоз чолғу, айти пайтда жўрнавоз соз сифатида ҳам кенг қўлланилмоқда. Туркман, қорақалпоқ, хоразм бахшилари (масалан, Р. Муродов), Андижонда Т. Жалилов, Ғ. Ҳожикулов, С. Тўхтасиновлар ўзига хос жўрнавозлик йўллари яратишган, 1970-йиллардан бошлаб ғижжакни якканавоз ва миллий чолғу ансамбли таркибида алоҳида

кўрсатиш, унда ўзига хос куй тузилмаларини бадиҳа тарзида чалиш усуллари Абдухошим Исмоилов, А. Дадаев ва бошқа ижросида оммалашган. Замонавий техника воситалари (масалан, қисқа чўзимли товушларни ишлатиш йўллари) кенг кириб келиб, полифония ва полимонодия хусусиятларидан фойдаланилмоқда.



Хулоса

Хулоса қилиб таъкидлаш мумкинки ғижжак сози ўзига хос майин ва сержило садоланиши, инсонларнинг гоҳ қувноқ, гоҳ ғамгин ички кечинмаларига ошно бўла оладиган оҳанглар таратиш хусусияти билан ўзбек халқ чолғулари орасида муносиб ўрин тутади.

Ғижжак қадимий чолғулардан бўлиб, Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур яшаб ўтган замонлардан то ҳозирга қадар халқимизга маънавий мерос намунаси бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Машҳур бастакорларимиздан Тўхтасин Жалилов, Комилжон Жабборов, Набижон Ҳасанов, Юнусқори Юсупов, Дони Зокиров, Ғанижон Тошматов, Ғуломжон Рўзибойев, Сайфи Жалил Ғуломжон Хожиқулов каби устоз санъаткорлар ғижжак чолғусида моҳир созанда сифатида самарали ижод қилишган.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Хожиқулов, Абдуҳошим Исмоилов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Ўлмас Расулов, Қаҳрамон Комилов, Турсунбой Жўраев, булар қаторида Муҳаммаджон Мараҳимов, Аҳмаджон Дадаев, Мирҳосил Азизов, Ўткир Қодиров, Салоҳиддин Азизбойев каби истеъдодли издошлар устозлар йўлидан бориб, моҳир ғижжакчи ва бастакор сифатида танилдилар.

Ўтган йиллар мобайнида ғижжак чолғуси учун анъанавий ижрочилик услубиятига оид бир қатор дарсликлар ва қўлланмалар нашр этилди.

Жумладан, Мурод Тошмуҳамедовнинг «Ғижжак тароналари», «Ғижжак дарслиги», «Ғижжакда анъанавий ижрочиликни ўзлаштириш», «Ғижжак алт дарслиги», Қаҳрамон Назировнинг «Ойбулоқ», «Абдуҳошим Исмоилов» каби тўплам ва ўқув қўлланмаларидан ўрта ва олий музыка таълим муассасаларида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Айни пайтда миллий қадриятларимиз тикланиб, маданиятимизга эътибор кучаймоқда ва миллий музыка санъатимизни изчил тарғиб қилиш

борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Хусусан, ўрта ва олий мусиқа, санъат таълим муассасаларида миллий мусиқа санъатимизнинг дурдоналари бўлмиш мақомлар, ўзбек мумтоз ва халқ куйлари, қўшиқлари, яқин ўтмиш ва замондош бастакорларнинг ижодлари кенг ўрганилмоқда. Талабалар бир томондан, устоз-шогирд тизимида, яъни оғзаки тарзда, эшитиб ўрганиш анъанасига таянсалар, иккинчи томондан, устоз санъаткорларимизнинг ижроларидан бевосита ёзиб олинган аниқ нота матнларидан фойдаланиш имкониятига эгадирлар. Табиийки, узвий бирлаштирилган ҳар иккала услуб энг мураккаб асарларни ҳам аниқ ва пухта ўзлаштиришда ўз ижобий таъсирини кўрсатади, бадий самарасини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. И.А.Каримов. Бухоро - Шарқ дурдонаси. Т., 2008.
2. И.А.Каримов. “Маънавий юксалиш йўлида”. Т.: 1998.
3. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1998.
4. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1998.
5. Н.Каримова., Э. Гул. Ўзбекистон санъати -Т: “Шарқ”, 2001.
6. Н.Ахмедова. “Ғуломжон Хожикулов” Тошкент 2008.
7. Қ.Назиров. “Ғижжакда ўзбек куйларини ўзлаштириш” “Муסיқа” Токент 2011 й
8. Соломонова “Ўзбек муסיқа тарихи” Ўқитувчи Тошкент 1981й
9. Зиё нет.
10. www.google.uz
11. [www. Yandex. Ru/](http://www.Yandex.Ru/)